

9-30-2020

PRINCIPLES OF DEVELOPMENT OF DETECTIVE LITERATURE

Bahodir Alikulovich Kholikov

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi, xoliqov_b@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

Recommended Citation

Kholikov, Bahodir Alikulovich (2020) "PRINCIPLES OF DEVELOPMENT OF DETECTIVE LITERATURE," *Bulletin of Gulistan State University*. Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 28.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2020/iss3/28>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК 82-312.4

PRINCIPLES OF DEVELOPMENT OF DETECTIVE LITERATURE

ДЕТЕКТИВ АДАБИЁТНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

ПРИНЦИПЫ РАЗВИТИЯ ДЕТЕКТИВНОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

Холиков Баходир Аликулович

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, 100100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.

E-mail: *xoliqov_b@mail.ru*

Abstract. The article examines the genesis of the detective genre, poetic models and features of artistic interpretation. The “Godfather” by Mario Puzo and “Shaytanat” by Tahir Malik, as well as folklore and written literature in the history of world and Uzbek literature are comparatively studied. Important conclusions have been drawn about the development of Uzbek detective novels during the period of independence.

In particular, the study of detective prose in Uzbek literature began in the 60s and 70s, when Uzbek detective literature was on the path of relatively consistent development. Brief notes on detective prose and moral problems in reviews of some works of Uzbek writers S.Mamajonov, U.Normatov, S.Mirvaliev, I.Gafurov, H.Tukhtabaev, as well as in articles directly or indirectly related to the development of the literary process and in studies of such foreign scientists as L.Ruvinsky, A.Razin, F.Brentano, M.Mayorov, L.Stolovich, E.Kukhareva, V.N.Zhukovsky, R.Powell, O. Drobniisky, J.Defoe, K.Messenger were clearly visible. Also, samples of Uzbek detective literature by I.Mirzaev, T.Shermurodov, K.Turdieva, A.Ulugov, in particular, reviews and articles on the story of Tahir Malik "Shaytanat", reflect views on detective stories.

Keywords: detective genre, genesis of detective literature, poetic model, literary interpretation, folklore, written literature, Uzbek literature

Аннотация. В статье рассматриваются генезис детективного жанра, поэтические модели и особенности художественной интерпретации. Сравнительно изучаются «Крестный отец» Марио Пьюзо и «Шайтанат» Тахира Малика, а также фольклор и письменная литература в истории мировой и узбекской литературы. Сделаны важные выводы о развитии узбекских детективных романов периода независимости.

В частности, изучение детективного творчества в узбекской литературе началось в 60-70-е годы, когда узбекская детективная литература находилась на пути относительно последовательного развития. Краткие заметки о детективной прозе и нравственных проблемах в рецензиях на некоторые произведения узбекских писателей С.Мамажонова, У. Норматова, С.Мирвалиева, И.Гафурова, Х.Тухтабаева, а также в статьях, прямо или косвенно связанных с развитием литературного процесса и в исследованиях таких зарубежных ученых как Л.Рувинский, А.Разин, Ф.Брентано, М.Майоров, Л.Столович, Е.Кухарева, В.Н.Жуковский, Р.Пауэлл, О.Дробницкий, Дж.Дефо, К.Мессенджер были отчетливо видны. Также образцы узбекской детективной литературы И.Мирзаева, Т.Шермуродова, К.Турдиевой, А.Улугова, в частности, обзоры и статьи по повести Тахира Малика «Шайтаната», отражают взгляды на детективные произведения.

Ключевые слова: детективный жанр, генезис детективной литературы, поэтическая модель, художественная интерпретация, фольклор, письменная литература, узбекская литература.

Жаҳон адабиёти вакиллари, хусусан, инглиз ва ўзбек адиблари ижодини қиёсий планда ўрганиш, ҳар икки миллат детектив асарларидаги воқеликнинг бадиий талқинини тизимли моделлаштириш масаласини тадқиқ этиш муҳим илмий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Зеро, ҳар қандай миллий адабиёт жаҳон халқлари бадиий тафаккури билан ўзаро таъсир, адабий алоқалар ёрдамида муштарак ривожланади. Шу маънода ўзбек адабиётининг ҳам тарихан ўзга миллатлар адабиётига таъсир кўрсатиб келган айни пайтда хориж адабиётидан маълум даражада таъсирланганини қайд этиш ўринлидир. Айниқса, XX асрга келиб, жаҳон адабиётига адабий таъсир ва адабий алоқалар кучайганини эътиборга олсак, бу жараённинг ўзбек адабиётига ҳам бевосита дахлдор экани ойдинлашади.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Дунё адабиётшунослигида адабий таъсир масалалари устида илмий изланишлар олиб бориш, турли миллатга мансуб ёзувчиларнинг ўзига хос ижодий услубларини аниқлаш ва айни пайтда бадиий адабиётда ижод қиладиган адибларнинг бадиий маҳоратини очиб бериш, шунингдек, ижодкорларнинг асарларида акс этган жамият ҳаёти ҳамда инсон хулқ-атворидаги зиддият динамикаси бадиий талқинидаги ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тадқиқотда таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий ва функционал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Ўтган аср ўрталаридан эътиборан дунё адабиётининг ўзига хос ғоявий-этик йўналиши сифатида миллионлаб китобхонларнинг қизгин мунозараларига сабаб бўлиб келаётган жаҳон детектив адабиётининг географик миқёси кенгайди. Детектив насри оммалашиб, унинг мавзу доираси, бадиий имкониятлари ўсди. Дунё халқлари адабиётида жиноят жазосиз қолмаслигини такрор-такрор исботлашга хизмат қиладиган, ўз турмуш тарзини жиноий фаолият асосига қурган шахсларнинг аянчли тақдирини акс эттириш жиҳатидан улкан ахлоқий аҳамиятга эга бўлган асарлар вужудга келди. Америкалик машҳур ёзувчи Марио Пьюзонинг “The Godfather” (“Чўқинтирган ота”), ўзбек ёзувчиси Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асарлари шундай китоблар сирасига киради.

Собиқ Совет иттифоқининг еврилиши натижасида рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, сиёсий ва иқтисодий бошбошдоқчилик кўплаб ўзбек адибларининг детектив мавзуга қўл уришларига сабаб бўлди. Шу йилларда детективнависликка ихтисослашув жараёни бошланди. Худойберди Тўхтабоев, Тоҳир Малик, Файзулло Қиличев, Ботир Носиров, Саид Равшан изланишларида миллий адабиётимиздаги детектив жанри маҳорат билан такомиллаштирилди. Бу жараёнда миллий фольклор, мумтоз ёзма наср ва Эдгар Аллан По, Артур Конан-Дойл, Агата Кристи, Жорж Сименон, Марио Пьюзо каби жаҳон детектив усталари ижодининг таъсири катта бўлди.

Мустақиллик йилларида Тоҳир Маликнинг беш китобдан иборат “Шайтанат” асари майдонга келди. Ўзбек миллий детективининг йирик намунаси бўлган бу асар китобхонлар, хусусан, замонавий ўзбек адабиётшунослиги эътирофига сазовор бўлди.

Марио Пьюзонинг “Чўқинтирган ота” ва Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асарларининг қиёсий таҳлили адабий таъсир масалалари устида илмий изланишлар олиб бориш, инглиз ва ўзбек адибларининг ўзига хос ижодий услубларини аниқлаш ва айни пайтда детектив насрида ижод қиладиган адибларнинг бадиий маҳоратини очиб бериш, уларнинг асарларида акс этган жамият ҳаёти ва инсон хулқ-атворидаги зиддият динамикаси бадиий талқинининг тизимли моделларини яратган ҳолда ўрганиш масаласи бугун учун долзарб масаладир.

Жаҳон адабиётида детективнависликнинг машҳур ижодкорлар номлари билан боғлиқ ўзига хос мактаблари мавжуд. Детектив адабиётнинг табиати, имконият ва чегаралари хусусида муҳим илмий хулосаларга келинган [1].

Асримизнинг дастлабки йилларидан бошлаб, детектив адабиёти бўйича махсус илмий тадқиқотлар пайдо бўлди. Бу йўналишдаги монографик иш намунаси сифатида филология фанлари номзоди Т.Ирисбоевнинг “Ҳозирги ўзбек детектив адабиётининг тараққиёт хусусиятлари (Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асари асосида)” номли илмий-тадқиқот иши юзага келди. Ушбу тадқиқот ишида ўзбек детектив адабиётининг шаклланиш ва ривожланиш йўллари ёритилган [2]. Филология фанлари номзоди Ш.Сулаймоновнинг ўзбек детектив насри генезиси ва табиатини ўрганишга бағишланган номзодлик диссертациясида детективнинг фольклор жанрлари билан муносабати, детективда сюжет табиати каби масалалар хусусида сўз юритилади [3]. Аммо шунга қарамасдан, ўзбек адабиётшунослигида детектив жанр назарияси, генезиси ва унга хос бадиий моделлаштириш муаммолари монографик планда, қиёсий-типологик усулда ўрганилмаган.

Мақола ўзбек адабиётшунослигида мавжуд шундай илмий бўшлиқни тўлдиришни мақсад қилади. Шу мақсад юзасидан куйидаги илмий муаммоларни тадқиқ этиш кўзда тутилади:

- а) детектив жанрнинг маънавий, ижтимоий, фалсафий ва поэтик омилларини белгилаш;
- б) детектив талқин назарияси ҳақида фикр юритиш ва тадқиқ этилаётган адабий манбалар жанри борасида аниқ тўхташга келиш;
- в) детектив жанр ва детектив қахрамоннинг поэтик моделларини ишлаб чиқиш;

г) “Чўқинтирган ота” ва “Шайтанат” асарлари тадқиқи асосида романда ижодкор ахлоқий қарашларининг намоён бўлиш тамойилларини аниқлаш;

д) детектив қаҳрамон руҳият олами, бунинг ижтимоий-психологик, маиший-биографик омилларини тадқиқ этиш;

е) “Чўқинтирган ота” ва “Шайтанат” асарларини композиция ва бадиий услуб нуқтаи назаридан қиёсий ўрганиш;

ё) ўзбек детектив насри такомиллига оид назарий хулосаларни илгари суриш.

Тадқиқотнинг объектини Марио Пьюзонинг «The Godfather» ва Тоҳир Малиқнинг «Шайтанат» асарлари, шунингдек, жаҳон ва ўзбек адабиёти тарихида детектив талқинини намоён этган фольклор ва ёзма адабиёт намуналари ташкил этади.

Тадқиқот жараёнида қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий ҳамда социологик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Детектив атамаси инглизча detective, лотинча detego сўзларидан олинган бўлиб, “фош қиламан”, “ошкор этаман” маъноларини англатади. Детектив асарда бирон-бир фавқуллода жумбоқли ҳодисанинг тадқиқ қилиниш жараёнлари, унда содир бўладиган ҳолат ва вазиятлар, изланиш ва ечимлар тасвир этилади. Детектив асар сюжети характериға кўра, муайян жумбоқли ҳодиса содир этилгандан сўнг, яъни фош этилажак ҳодисанинг охириги нуқтасидан старт олади. Аксарият асарларда сюжет воқеалари илгариланма бадиий вақт мантиқи асосида ҳаракатланади. Детектив сюжетнинг бошқа жанрлар сюжетидан фарқи шундаки, унда одатдаги замон мантиқи бузилади ёки тескари томонга қараб ҳаракат қилади. Детектив асарнинг марказий қаҳрамонлари ҳисобланадиган жиноятчи ва жабрланувчи ҳаётига доир яқин тарих изқувар образи нуқтаи назарида қайта тикланади. Юридик мантиққа кўра босқичма-босқич таҳлил қилинади. Детектив ҳодиса дейилганда асосан содир этилган жиноят тафсилотлари тушунилади. Шу сабабдан детектив асар конфликтни адолат билан зўравонлик, қонун билан қонунбузар, изқувар билан жиноятчи ўртасидаги зиддият асосига қурилади.

Детективнинг муҳим белгиларидан бири унда ечимини кутаётган сирли ҳодисанинг асос қилиб олинишидир. Сюжетни ташкил этган ҳодиса аксарият ҳолларда жиноят билан боғлиқ бўлади. Иккинчи белгиси сюжет бошида ўртага ташланган жумбоқнинг асар охиригача ечилмаслиги, рецепция жараёнида ўқувчининг тўлиқ ҳаяжонда тутиб турилиши, унга ўз ечимлари версияларини шакллантириш имкониятининг берилиши, ечим томон йўналган барча ҳолат ва босқичлардан қадам-бақадам олиб ўтилишида кўринади. Учинчи белгиси сюжет қурилиши билан боғлиқ бўлиб, детектив асар жиноят, қидирув ва фош этишдан иборат уч асосий сюжетташқилловчи элемент доирасида қурилади. Бу уч элемент детектив сюжет моделининг асосини ташкил этади.

Том маънодаги детектив асар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

- далиллар тўлиқ ва мукамал бўлиши, қидирув сўнгида ўқувчи мустақил хулоса чиқара оладиган даражада етарли маълумотни қамраб олиши;

- воқеа кечадиган шарт-шароитларнинг ўқувчи учун таниш, реал модел билан мослиги;

- образлар, персонажлар ҳолат ва ҳаракатларида айният (мослик)нинг мавжудлиги;

- анъанавий образлар мантиқиға путур етказмаслик, яъни ҳикоянавис ва изқуварнинг жиноятчига айлантиришнинг мумкин эмаслиги;

- асарда юксак ахлоқий, маънавий идеалларнинг талқин этилиши. Асар ёмонликнинг жазоға ҳукм қилиниши ва адолат тантанаси билан яқун топиши.

Юқорида келтирилган умумий жиҳатлар детектив асарнинг мукамал намуналарига хос бадиий хусусиятлардан келиб чиқади. Изланишлар жараёнида детектив асарнинг тарихий шаклланиши учта муҳим омил доирасида пайдо бўлган деган хулосаға келдик. Буларни шартли равишда маънавий-маърифий, ижтимоий-фалсафий, адабий-бадиий омиллар тарзида тасниф этдик.

Маънавий-маърифий омил. Қатор фольклоршунос, адабиётшунос ва детектив жанр тадқиқотчилари томонидан башарий жамиятнинг илк маънавий асослари илоҳий-диний матнларға боғлиқ, деган фикр олға сурилади. Модомики, детектив асар воқелиги инсониятға хос маънавий муаммоларни талқин этар экан, унинг илк омиллари илоҳий-диний манбаларда акс этиши шубҳасиз. Реал тарих саҳифаларидан аллақачон ўчиб кетган башарият қадим тарихиға доир маълумотлар ушбу манбаларда сақланиб қолган. Инсоният тарихидаги биринчи жиноятчи ким? бу жиноят қандай рўй берган ва ким томонидан фош этилган? каби саволлар албатта детектив тарихи билан қизиққан

тадқиқотчилар олдида кўндаланг бўлган. Бунга ўхшаш саволлар эса ўз-ўзидан тадқиқотчи олдида илоҳий-диний манбаларга мурожаат этиш вазифасини кўйган.

“Библияда айтилишича, дастлабки гуноҳни Одам Ато содир қилган. Қадимги мифологияга ишонадиган бўлсак, олтин аср қисқа вақт ичида зўравонлик билан бузилди ва айнан шу тартибузарлик боис бронза даврига айланиб қолди. Буларнинг бари афсона, албатта. Лекин ана шу афсоналар инсоният пайдо бўлганидан бошлаб жиноят ҳам мавжуд бўлганидан дарак беради” [4], деб ёзади машхур болгар ёзувчиси ва адабиётшуноси Богомил Райнов.

Б.Райновнинг бу фикри, бизнингча, детектив табиатига тўла мос келмайди. Одам алайҳиссалом тарихларига доир бу воқеа моҳиятини Библия шарҳловчилари сал бошқачароқ тушунтирадilar. Бу гуноҳнинг содир бўлишини Яратган хоҳиши билан бўлганини таъкидлайдилар. Бу воқеа, яъни Одам алайҳиссалом ва у зотнинг жуфтлари Ҳаввонинг тақиқланган дарахтга яқинлашишлари, тақиқланган мевани истеъмол қилишлари олдиндан Худойи таоло тақдир этган “сценарий” бўйича юз бергани, уни жиноят деб бўлмаслигига алоҳида урғу берадилар. Шу ҳодиса юз бермаганида одамзод Ерни маскан тутмаслиги, башарият жамияти пайдо бўлмаслиги, демакки, ҳаёт давом этмаслиги керак эди. Бу эса мантиққа зид эканини айтадилар.

Бизнингча, илоҳий-диний манбалардан детектив сюжетга хос элементларни холис ўрганмоқчи бўлган тадқиқотчи биринчи навбатда Библия ва “Қуръон”даги Қобил билан Ҳобил воқеасига мурожаат этиши мақсадга мувофиқ. Бу воқеада айнан детектив учун асос бўладиган воқеа, қотил ва мақтул образлари учун мос прототиплар бор. “(Эй Муҳаммад,) уларга Одамнинг икки ўғли ҳақидаги хабарни ҳаққирост тиловат қилинг. Ўшанда у иккови қурбонлик қилганларида (қурбонликлари) бировларидан қабул қилинган, иккинчиларидан қабул қилинмаган эди. Шунда у “Қасамки сени ўлдирурман”, деганида, биродари айтди: “Оллоҳ фақат тақводорлардангина (қурбонликларини қабул қилур). Қасамки, сен мени ўлдириш учун кўл чўзсанг, мен сени ўлдириш учун кўл чўзгувчи эмасман. Чунки мен бутун оламлар парвардигори бўлмиш Оллоҳдан кўрқаман. Мен сени менинг гуноҳим ҳамда ўзингнинг гуноҳинг билан қайтиб, дўзах эгаларидан бўлиб қолишингни истамайман. Золимнинг жазоси шудир. Бас, нафси унга ўз биродарини ўлдиришни чиройли қилиб кўрсатиб (Қобил) уни ўлдирди ва зиён кўргувчилардан бўлиб қолди” (5:27-28-29-30) [5]. Инсоният тарихидаги биринчи жиноят деб талқин этиладиган ушбу фожианинг юзага келишида улкан маънавий қусур ҳасад сабаб бўлган эди. Укаси Ҳобилнинг маънавий жиҳатдан ўзидан устунлиги, иймон-ишончи боис Оллоҳга суюқлироқ эканини билган Қобил юрагида ҳасад уйғонади. Қобил бу жон олувчи дарднинг давоси сифатида қотилликни танлайди. Илк жиноятга кўл уради: “...нафси унга ўз биродарини ўлдиришни чиройли қилиб” кўрсатди. Воқеанинг муҳим маънавий жиҳати шундаки, унда тасвир этилган ўта мудҳиш жиноят остида иймонсизлик, нафсга куллик, кўролмаслик сингари одамзод ички дунёси билан боғлиқ ҳолатлар туриши баён қилинади. Ростдан ҳам бу ва бундан кейин содир этилган жиноятларнинг барчасида маънавий дунёсини бой берган, нафсига мағлуб бўлган инсон “бош қахрамон” даражасига кўтарилади. “Қуръони карим”дан келтирилган бу эпизодда жиноятнинг сабаблари, жиноятчида рўй берган ботиний ҳолатлар, жиноятнинг рўй бериш тафсилотлари очик-равшан ҳикоя қилинган. Шу сабабдан бу ўринда изкуварга ўрин йўқ. Аниқроғи, бу воқеанинг изкувари, терговчиси ва ҳаками вазифасини Яратганнинг ўзи бажаради.

Ижтимоий-фалсафий омил. Детектив сюжет асосини ижтимоий турмуш воқелиги ташкил этиши маълум. Бошқалардан устунроқ бўлиш, бошқаларга ҳукм ўтказиш, улканроқ ҳокимиятга эга бўлиш, мол-мулк тўплаш, яхши жой ва нарсаларни тасарруф қилишга ноқонуний йўл билан эришишга интилиш жиноятни келтириб чиқаради. Гарчи адолат қонуни муттасил ишлаб турган бўлсада, бундай йўлни танлаганлар исталган жамиятда топилади. Кўпинча ижтимоий турмушда кузатиладиган иқтисодий тангликлар, сиёсий адолатсизликлар, маиший муаммолар жиноятчиликнинг урчишига олиб келади. Шундай ҳолатлардан бири ёки уларнинг барчасига дуч келган, маънавий пойдевори заиф, виждони ноқис одам бундай вазиятлар ечимини жиноятчиликда, деб билади. Шу каби вазиятларни восита қилиб, ўз жиноятига қонуний тус беришга уринади. Жамият қонунларига қарши исён кўтаради. Шу тариқа жамият уч тоифага ажралади: жиноятчилар, жабрланувчилар ва жиноятга қарши курашувчилар. Детектив сюжет конфликтини бундай вазиятдаги жиноят ва адолат ўртасидаги кураш ташкил этади.

Детектив талқиннинг ижтимоий-фалсафий омиллари борасида фикр юритилганда унинг туб илдизлари қадим ўтмиш замонларга бориб туташиши аниқ кўринади. Манбаларнинг хабар беришича,

бизгача ёзувлар орқали етиб келган башарият тарихида жамиятдаги мувозанат қатъий қонунлар орқали назорат қилинган. Жиноятлар турлари, оғир ёки енгиллиги, сабаб ва оқибатларига кўра баҳоланган, жазога тортилган. Бундай маълумотларни тарих китобларида башарият тарихидаги илк цивилизациялар деб талқин этилган қадимги Миср, Месопотамия, Бобил, Аҳмонийлар, Ҳиндистон ва Хитой давлатларига оид ёзувларда кўришимиз мумкин.

Мана шундай ижтимоий-маънавий қарашлар жамланган манбалардан бири Абу Али Ҳасан (Низомулмулк)нинг “Сияр ул-мулк” (“Сиёсатнома”) китобидир. Салжуқий ҳукмдорлар Алп Арслон, Маликшоҳлар қўл остида вазир лавозимида иш олиб борган Низомулмулк ушбу асарини 1091 йилда ёзиб тугатган. Асар наинки Низомулмулкнинг яшаган даврларда, балки кейинги улкан салтанатлар, маданиятлар даврида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Масалан, соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз тузукларида бу асарни бир неча бор тилга олади.

Асарнинг эътиборли жиҳати шундаки, унда жамият турмушининг барча жабҳалари қамраб олинган. Муаллиф ўз жамияти ҳаётига оид бирор муҳим жабҳани эътибордан соқит қилмаган. Подшоҳдан тортиб энг қуйи табақача жамиятдаги барча-барчанинг турмуш тарзи, яшаш шароитлари, ҳуқуқ ва бурчлари ягона қонун доирасида талқин этилган. Буларнинг барчасида шаръий адолат мезонларидан келиб чиқилган. Талқин этилган ҳар бир ижтимоий-ҳуқуқий масаладан сўнг соф бадий руҳдаги ҳикоятларнинг келтирилиши китобнинг оммабоп, тушунарли, ўқишли бўлишини таъминлаган. “Мамлакат қозиларининг аҳволини тўла-тўқис билиш зарур ва уларнинг қайсилари олиму зоҳид, камбағал, аммо камтамаъ бўлса, тарбия қилиб, шулар билан иш юритиш керак. Агарда шундай бўлмаса, уларни ишдан олиб, ўринларига бошқа лойиқ кишиларни қўядилар. Уларнинг ҳар бирига зарур даражада маош берадилар, токи хиёнат қилишларига ҳожат қолмасин. Чунки бу иш жуда ҳам нозикдир, улар мусулмонларнинг яхшию ёмонликлари устидан ҳукм чиқарадилар. Бу амални жоҳил ва нопок кишиларга ишониб бўлмайди, фақат пок, порсо олимларга бериш керак”, деб ёзади олим китобнинг “Қозилар билан хатиблар орасидаги муомала ва улар ишларининг ривожига ҳақида” номли фаслида [6]. Фаслга илова тарзида берилган ҳикоятда эса одилликни касб қилган бир ажам подшоҳи ҳақида сўз кетади. Бу подшоҳ Меҳржон ва Наврўз кунлари барча фуқароларнинг арзларини тинглар, муҳими, биринчи навбатда уларнинг ўзи ҳақидаги шикоятларини қози ҳукмига ҳавола этар, бошидан тожини ечиб қози ҳузурда оддий бир маҳкум қиёфасида турар ва уларга қарата дер экан: “Оллоҳ таоло олдида подшоҳларнинг гуноҳларидан кўра каттароқ гуноҳ йўқ. Уларнинг ҳақ ишлари Оллоҳ таоло неъматларини кадрлаб, раиятни ҳимоя этиб, адолат билан ситам қилувчилар қўлларини қисқартиришдан иборатдир... Бўлмаса олам хароб бўлиб..., подшоҳ қиёматда жавобини беради. Эй Худо қозиси, менинг сўзларимга аҳамият бер, чунки Худойи таоло мандан нимани сўраса, мен ҳам сендан шуни сўрайман ва бўйнингга қўяман” [6]. Бундан кўринадики, жамиятда мувозанатнинг жорий бўлиши ягона қонун, мутлақ адолатга таянадиган бошқарув билан боғлиқ. Мутлақ адолат шундаки, унинг учун жамиятдаги ҳамма одам баробар. У ҳеч кимсани насл-насаби, мартабаси ёки бойлигига қараб ажратмайди. Бундай адолат қиличи тўғрени кесмайди, гумроҳ эгрига эса сира шафқат қилмайди.

Ушбу мисоллар ислом жамиятида жиноят, жиноятчи, жазо, ҳукм, адолат тушунчаларининг тамомила ўзгача мезонлар билан ўлчанганини кўрсатади. Қайд этиш керакки, инсон бор жойда ёвузлик, фитна, ёлгон, ҳасад, тухмат, хиёнат, мунофиқлик сингари қусурларнинг бўлмаслиги мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан биз кўриб ўтган юксак ахлоқ категориялари устувор жамиятда ҳам қонунлар бузилмайди, деб ҳеч ким қафолат беролмайди. Демак, детектив талқиннинг ижтимоий-фалсафий илдизлари ўта қадим замонларда яшаган аждодларимиз тармуш тарзи билан бориб туташади. Ҳар қайси ижтимоий муҳит қонун ва ҳуқуқ масалаларига ўзининг маданий даражаси, макоми нуқтаи назаридан баҳо берган. Муайян ижтимоий муҳитда етакчилик қилган ақидавий қарашлар, фалсафалар, сиёсий талабу эҳтиёжлар инсон ва қонун муаммосининг қай йўсинда ҳал этилишини белгилаган. Қарашлар ягона ва мутлақ ҳақиқатга таянган ижтимоий муҳитларда мувозанат, адолат қонуни ҳукм сурган. Бу эса ўз-ўзидан детектив сюжетга асос бўладиган реал воқелик моҳиятини ҳам белгилаган.

Адабий-бадий омил. Том маънодаги детектив жанр учун мустаҳкам пойдевор бўлган омилларнинг учинчиси адабий-бадий омил ҳисобланади. Ушбу омил юқоридаги икки омилдан ўзининг детектив жанр генезисини белгилашдаги аҳамияти жиҳатидан бирмунча устун туради. Адабий-бадий омилнинг устунлиги детектив талқин билан бир жинсга мансублигида кўринади. Юқоридаги икки омил детектив жанрнинг ижтимоий, маънавий, фалсафий ва маърифий бутуқларини ташкил этса, адабий-бадий омил унинг айнан илдизидир. “Адабиёт – ҳаётнинг бадий модели, реал воқеликнинг

бадий инъикоси” деган фикр қанчалик кенг тарқалган бўлмасин, бундай талқин шакли, асосан, поэтик анъаналар негизда шаклланади. Детектив талқинга хос сюжетлар, образ, мотив ва деталлар ҳам илк бор бадий манбаларда акс этган ва тадрижий йўл билан бугунги детектив жанр таркибига кириб келган. Шу маънода детектив жанр генезиси, адабий-бадий омиллари дейилганда кўз олдимизга дастлаб жаҳон фольклори намуналари келиши тасодиф эмас.

Адабиётшунос Ш.Сулаймонов детектив насри генезиси ҳақида тўхталиб, уларнинг халқ ижодиёти билан боғлиқ эканини таъкидлайди. Хитой халқ қиссаси “Қилни қирқ ёриб”, арабларнинг “Минг бир кеча”, “Синбаднома”, эроний халқлар қиссаси “Самак айёр” қиссаларини эслаб ўтади. Қ.Мирмухамедов таржимасида нашр этилган Шарқ халқлари афсона, ривоят, эртақ ва латифалар тўплами – “Сулаймон подшонинг ҳукми” китобига тўхталади. Ўзбек халқ эртақларининг бевосита детектив талқин билан алоқадор олти типини илмий тасниф қилади [7]. Ш.Сулаймоновнинг ушбу синчков кузатишларини эътироф этган ҳолда айтиб ўтиш жоизки, детектив талқин илдизлари жаҳон халқлари ижодиётининг фақат қисса ва эртақ жанрларида эмас, катта ҳажмдаги наср намуналарида, халқ қахрамонлик эпосларида, мифологик, диний, маърифий, фалсафий, ижтимоий қарашларида ҳам изчил акс этган. Қолаверса, худди шу манбалар детектив талқиннинг қўламдорлиги, умуминсоний, миллий омилларини, хусусан, детектив жанр табиати ва генезисини белгилаган.

Келтирилган мисоллардан кўринадики, халқ эпосларида акс этган жиноят ва жазо, ёвузлик ва адолат тушунчалари умумбашарий, умуммиллий микёс касб этади. Шунинг учун бундай жиноятларнинг сабаб ва оқибатлари ҳам ўта улкан бўлиб, жиноятчи – жабрланувчи – жазоловчи учлигининг талқин кўлами шахсий, маиший доирада қолиб кетмаган. Жиноятчилар қилмишига яраша жазоланиб, зулм илдизига болта урилади. Бундаги ғалаба наинки эпос қахрамони ёки у мансуб ижтимоий муҳит ғалабасини, балки бутун башарият, халқ ёки миллат турмушида адолат қарор топганини ифодалайди.

Хулоса қилиб айтганда, детектив талқин генезиси башарият турмушининг илк даврларида майдонга келган диний-маърифий, фалсафий ва адабий-бадий манбалар билан бевосита алоқадор. Юқорида ўрганилган уч омил детектив талқин шаклининг фақат бадий ҳодиса эмас, балки маърифий, ижтимоий, фалсафий омилларга ҳам бевосита таянишини кўрсатади. Детектив асарларнинг бадий адабиёт таркибида ўзига хос ўринга эга бўлиб келаётгани, ўқувчилар оммаси билан мустаҳкам алоқага эга экани, қатор санъат намуналари (кино, театр, публицистика, радио, телевидение) билан изчил муносабати, илмий тадқиқотларга манба бўлаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Муҳими, биз ўрганаётган М.Пьюзонинг “Чўқинтирган ота”, Т.Маликнинг “Шайтанат” асарлари юқоридаги уч омил билан том маънода муштараклик касб этади.

Адабиётлар:

1. Бавин С. Зарубежный детектив XX века. – М.: Книжная палата, 1991. – 206 с.
2. Ирисбоев Т.Т. Ҳозирги ўзбек детектив адабиётининг тараққиёт хусусиятлари (Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асари асосида): филол.ф.н... дисс. – Т.: 2001. – 157 б.
3. Сулаймонов Ш.С. Ўзбек детектив насри: генезиси ва табиати: филол.ф.н... дисс. – Т.: 2002. – 151 б.
4. Райнов Б. Черный роман. – М.: Прогресс, 1975. – С. 3.
5. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992.– Б. 94.
6. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк (Форс тилидан Ш.Воҳидов, А.Эркиновлар таржимаси). – Т.: Адолат, 1997, – Б. 47.
7. Сулаймонов Ш.С. Ўзбек детектив насри: генезиси ва табиати: филол.ф.н. дисс. автореф. – Т.: 2002, – Б. 6-13.

References:

1. Bavin S. Zarubejniy detektiv XX veka. – M.: Knijnaya palata, 1991. – 206 s.
2. Irisboev T.T. Hozirgi o'zbek detektiv adabiyotining taraqqiyot xususiyatlari (Tohir Malikning "Shaytanat" asari asosida): filol.f.n... diss. – T.: 2001. – 157 b.
3. Sulaymonov Sh.S. O'zbek detektiv nasri: genezisi va tabiati: filol.f.n... diss. – T.: 2002. – 151 b.
4. Raynov B. Cherniy roman. – M.: Progress, 1975. – S. 3.

*** GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI ***

*** Gumanitar - ijtimoiy fanlar seriyasi, 2020. № 3 ***

5. Qur'oni karim. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur. – T.: Cho'lpon, 1992.– B. 94.
6. Nizomulmulk. Siyosatnoma yoki Siyar ul-muluk (Fors tilidan Sh.Vohidov, A.Erkinovlar tarjimasi). – T.: Adolat, 1997, – B. 47.
7. Sulaymonov Sh.S. O'zbek detektiv nasri: genezisi va tabiati: filol.f.n. diss. avtoref. – T.: 2002, – B. 6-13.

Муаллиф:

Холиков Баходир Аликулович - Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети тадқиқотчиси.